

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**GULISTON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**TA’LIM TRANSFORMATSIYASI SHAROITIDA TILLARNI  
O‘QITISHNING MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI**

**xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami**

**2024-yil 17-may**

**Сборник материалов международной научно-практической  
конференции**

**ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ЯЗЫКОВ  
В УСЛОВИЯХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ**

**17 мая 2024 года**

**Collection of materials of the international scientific and practical conference**

**PROBLEMS AND PROSPECTS OF LANGUAGE TEACHING IN THE  
CONTEXT OF EDUCATIONAL TRANSFORMATION**

**May 17, 2024**

**Guliston – 2024**

**УДК: 81:37.091.33(08)**

**ББК: 81+74.00**

**П 78**

**Ta'lim transformatsiyasi sharoitida tillarni o'qitishning muammolari va istiqbollari:** xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – Guliston, “Ziyo nashr-matbaa” nashriyoti. 2024-yil. – 550 b.

*To'plamga xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya ishida ishtirok etgan olimlar, o'qituvchilar, doktorantlar, magistrantlar, talabalarning ma'ruza materiallari kiritilgan. To'plamda keltirilgan materiallar nafaqat mutaxassislar, doktorantlar va talabalar uchun, balki keng kitobxonlar uchun ham qiziqarli bo'ladi.*

**Tahririyat a'zolari:**

**Kurbanov B. Sh.**, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

**Jabborova D. D.**, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori

**Gizatulina O. I.**, katta o'qituvchi

**Taqrizchilar:**

**Jumanova D. R.**, filologiya fanlari doktori, professor

**Mamatova X. M.**, pedagogika fanlari doktori, dotsent

*Maqolalar mualliflari materiallarning ishonchliligi, keltirilgan faktlar, iqtiboslar va havolalarning to'g'riligi uchun mas'uldirlar.*

*Guliston davlat pedagogika instituti ilmiy kengashi tomonidan chop etishga tavsiya etilgan.*

**ISBN 978-9910-792-45-8**

**Mualliflar jamoasi, 2024**

**Ziyo nashr matbaa XK**

учебник. Перед рекомендацией студентам МП должны пройти методическую экспертизу преподавателя. Поэтому для внедрения мобильного обучения в практику преподавателю РКИ необходимо развивать цифровую компетенцию, владеть актуальной информацией о существующих МП и возможностях мобильного обучения в преподавании РКИ.

### Литература

1. Гизатулина Ольга Ивановна. Формирование мотивации к изучению русского языка студентами вузов // Academic research in educational sciences. 2022. № 4. – С. 516-524. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-motivatsii-k-izucheniyu-russkogo-yazyka-studentami-vuzov> (дата обращения: 30.03.2024).

2. Kay A. Personal Dynamic Media // IEEE Computer. IEEE Computer Society. – N.Y., 1977. Vol. 3. No. 10. – P. 31-41.

3. Трошина Ю.В., Вербицкая Н.О. Мобильное обучение иностранному языку: понятие, функции, модели [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 3. URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=20164>

4. Бисимбаева П.М., Илюшкина М.Ю. Мобильные приложения в обучении иностранному языку как компонент системы вузовского образования // Сетевое издание «Studia Humanitatis». 2020. № 2.

5. Загуменникова Н.В. Использование мобильных приложений при обучении русскому языку как иностранному // Буслевские чтения: сб. науч. ст. по материалам VIII Всерос. науч.-практ. конф. с междунар. участием (Пенза, 20 апреля 2020 г.) – Пенза, 2020. – С. 326-329.

6. Пашковская С.С. Поиски «золотого ключика» (проблемы современного учебника русского языка как иностранного) [Электронный ресурс] // Русистика. 2019. № 1. – С. 7-28. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poiski-zolotogo-klyuchika-problemy-sovremennogo-uchebnika-russkogo-yazyka-kak-inostrannogo> (дата обращения: 30.03.2024).

### ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

*Сулайманов Рахматилла, Сирдарё педагогика коллежи директори*

**Аннотация.** Ушбу мақола мактабгача таълим ташкилоти ходимларини барқарор ишлаш учун самарали ва амалий тарзда ўқитиш зарурлиги кўрсатилган. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларини ҳар томонлама ривожлантириш ва бунинг натижасида жамиятга катта таъсир кўрсатиши тақдирга ўтилган. Бу самарали ва амалий таълимни муваффақиятли немис дуал таълим тизими "Duale Ausbildung" деб номланган тизимида топиш мумкин. Унинг моҳиятида назария ва амалиётни бир вақтда бирлаштирганлиги ётади. Мақолада дуал таълим тизими қандай бўлиши тушунтирилади ва нима учун бу Ўзбекистон Республикасида боғча

тарбиячиларини ўқитишнинг ишончли ва барқарор усули эканлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** дуал, дуал таълим тизими, анъанавий таълим.

**Кириш.** Ўзбекистонда ҳам кўплаб ривожланган давлатлар сингари таълим тизимига катта эътибор қаратилган. Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ҳам таълим тизимининг ҳар бир қатламининг мақсад ва вазифаларига кенг тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29-мартдаги 163- сонли қарорида кўрсатилган профессионал таълим тизимидаги дуал таълим шакли бунга мисол бўлади. Таълим тизимига янги йўналиш сифатида кириб келган Дуал таълим тизими ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида профессионал таълим тизимида ушбу таълим шакли ташкил этилди.

Инсон тинглаш қаторида ўқиб тушунишдан олдин, кўриб тушуниш жараёнларини босиб ўтади. Педагогикада кўриш орқали кўпроқ маълумот ўзлаштириш мумкин. Янги илмий асосланган, аммо таълимда кўриб тушуниш масаласи кўникма ёки малака даражасида тадқиқ қилинмай келинмоқда. Аслида инсон вазиятни, предметни ва жараённи бир ҳилда етарли даражада кўриб тушуна олмайди. Бунинг учун махсус тайёргарлик жараёнларидан ўтиш ва таълим олиш зарур.

**Дуал таълим тизими.** Дуал таълим тизими Германияда 1870 йилдан бери мавжуд бўлиб, ходимлар ва иш берувчилар учун муваффақиятли иш самарадорлигини кўрсатиб келмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, шогирд назарий таълимда ва амалиётда бир вақтнинг ўзида маълум бир касб бўйича тайёрланади. Коллеж, техникум ва Касб-ҳунар мактабларида ҳафтанинг 2 кунини назарий таълим олинади. (Wiesner,2013.) Дуал таълим жараёнида устоз шогирдга касб-ҳунарнинг анъанавий усуллари ўргатиш деб тушунилади. Дуал таълимда ҳукумат буйруғ'и асосида талабалар тўлов-контракт асосида ёки давлат гранти асосида ўқишлари мумкин. Тўлов миқдори ва шартнома Ўзбекистон Республика Молия вазирлиги ва мавжуд вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тизимдаги таълим муассасалари томонидан белгиланади. Лойиҳага ко‘ра, дуал таълимдан ко‘зланган мақсад иқтисодиётни ривожлантиришдан, шунингдек, Ўзбекистонда катта ва кичик бандликни ташкил этиш орқали корхоналарга малакали кадрлар тайёрлаш, айниқса, ёшлар ва аёлларни меҳнат билан биргаликда қашшоқликни камайтириш иборатдир (Икрамов,2021).

Дуал тизимнинг янгилиги қуйидагича:

ўқув жараёнини ташкил этишдаги ўзгаришлар (синфдаги дарслар сони камаёди, стажировкалар ҳажми ўқув режасининг 60-70% гача кўтарилади);

ишлаб чиқариш амалиёти индивидуал шартлари ёндашувга асосланади ва имкон қадар реалга яқин ҳолда ишлаб чиқарилади;

компания икки томонлама молиялаштириш чораларини кўради;

ишлаб чиқаришда мураббийлик институти ривожлантирилади.

касб-хунар таълимнинг бу шакли ижтимоий шерикликнинг маҳсули сифатида пайдо бўлди, ва бу кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари ҳамда иш берувчиларнинг яқин ҳамкорлиги механизми юқори даражада меҳнат бозори талабларига мувофиқ малакали кадрлар етишиб чиқишини таъминлайди.

Сирдарё педагогика коллежида ҳам дуал таълим жорий этилган ўқув юрти ҳисобланади. Коллеж ўқувчилари академик билим олиш билан параллел равишда болалар билан ишлаш бўйича амалий кўникмаларни ривожлантирадилар. Шу мақсадда коллеж ҳудудида 385 нафар тарбияланувчига мўлжалланган янги давлат мактабгача таълим ташкилоти курилди. Ўқувчилар ўрганаётган нарсалари ва олган маълумотларини ўз ишларига қандай татбиқ этиш мумкинлигини биладилар. Бундай ёндашув натижасида мактабгача таълим тизими нафақат педагогик билимларни ўзлаштирган, балки болалар билан ишлашни биладиган ўқитувчиларга ҳам эътибор берилган. Дуал касбий таълимнинг ижобий таъсири орқали давлат иқтисодиёт ва жамият учун сиёсий афзалликларга эга бўлади. Таълимнинг ушбу шакли мутахассисларни иш жойида ўқитиш орқали талабни қондиради. Касб-хунар таълимида ўқитишнинг дуал тизими нафақат педагогик тизим сифатида қаралади, балки бозор шароитларига муваффақиятли мослаштирилган муқобил таълим шакли сифатида касб-хунар педагогикасининг иқтисодиёт ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

**Хулоса.** Икки томонлама таълим тизими ўқув жараёнларида ишончли ва самарали натижаларга эга, чунки у назария ва амалиётни бир вақтнинг ўзида уйғунлаштиради. Иштирокчи ҳақиқий муҳитдаги иш ҳақида тушунчага эга бўлади ва муассасада ишлаш орқали қимматли тажриба тўплайди. Унга маълум бир касб бўйича тегишли кўникмалар ўргатилади. Бундан ташқари, дуал таълим тизими ўқувчиси кундалик ҳаётда ва иш муҳитида муҳим бўлган умумий билимларни ривожлантиради.

### Адабиётлар

1. Икрамов Ш. К. Дуал Таълим тизими. Pindus Journal Of Culture, Literature, and ELT ISSN: 2792. 1883. Volume 7.
2. Петров Ю.Н. Муҳандислик-педагогик таълимнинг дуал тизими – инновацион замонавий касбий таълим. – Новгород, 2009. – 280 б.
3. Выборнов В.Ю. Ярославл вилоятида дуал таълим: Ташкилий босқич: Услубий қўлланма, 2014. – 155 б.
4. Stefan Wiesner. Муваффақиятли немис Дуал Таълими (Duale Ausbildung) асосида мослаштирилган таълим усулидан фойдаланган ҳолда қайта тикланадиган энергиянинг барқарор ривожланишининг асосий омили сифатида техник ходимларнинг ривожланиши. 2013. ISES. Solar World Congress.